

СУИЦИДАЛ ХУЛҚ-АТВОРНИ ЎСМИРЛИК ДАВРИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

С.С.Усмонов

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети курсанти .

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7812690>

Онтогенетик ривожланишнинг турли босқичларида суицидал хулқ-атвор ўзига хос хусусиятларга эга. Шу боис у иккита асосий “авж” даражасига бўлинади: “ёшликнинг авжи” – 15 дан 23 ёшгача ва “инволюция авжи” – 40 ёшдан сўнг. Тажриба ва кўп сонли тадқиқотларнинг кўрсатишича, энг кўп ўзига хос хусусият болалик-ўсмирлик босқичи ва инсон ҳаётининг инволюцион даврига ажратиб кўрсатилади.

Ўсмирда суицидал кўринишнинг таҳлил натижаларини кўрсатишича, бу ёшда суицидал хулқ-атвор, гарчи катталарнинг хулқ-атвори билан кўп томонлама ўхшаш бўлса-да, барибир ўзининг ёшига хос хусусиятларга эга. Бу физиологик ва психологик механизмлар, ўсаётган организм ва шахснинг шаклланиш давридаги ўзига хослик билан боғланган.

Болалар ва ўсмирларда аутоагрессив ҳаракатлар ўта хавфлидир. Ўсмирлар учун ўлим анча ошкора ҳодиса сифатида шаклланиб боради. Лекин улар ўзлари учун, мотоциклни жуда тез ҳайдаш, хавфли нарсалар билан тажриба ўтказиш ёки ўзига жалб қилувчи, лекин таҳликали фаоллик билан шуғулланишларини рад этадилар. Кейинчалик, ўсмир ўзининг ўлими ҳақидаги фикрга келади, лекин бу ваҳимани енгиб ўтиб рад этади. Болалар кўпинча ўсмирлар суицид содир этиб, ўлим билан якунланишини назардан қочирадилар. Катталарга қараганда, уларда ҳақиқий суицидал уриниш ва намоёйшкорона шантаж аутоагрессия (ўзига йўналтирилган агрессия) ўртасида аниқ чегаралари мавжуд эмас. Бу болалар ва ўсмирларда аутоагрессиянинг ҳамма кўринишларини амалиётда турли кўринишдаги суицидал хулқ-атвор сифатида кўриб чиқишга мажбур қилади.

Ўзининг ўлимига атрофдагиларнинг гувоҳлиги ёки “қайта туғилиш”га интилиш болалар ва ўсмирлар суициденти учун хосдир. Болалик даврида ўлим ҳақидаги тасаввур бир неча босқичда бўлади: бола онгида ўлим ҳақидаги тасаввурларнинг бутунлай йўқлигидан, то ҳаётдан кетишнинг расман белгилари билан танишиш (аза, жаноза тушунчалари) ва бошқалар. Боланинг ўлимдан хабардор бўлиш на унинг шахсиятига, на унинг яқинларининг шахсиятига тўғри келмайди, аксинча шаклланмаган ўлим бу абадий ўлим, гўёки узоқ муддатга йўқлик ёки тириклик сифатида тушунилади Бола иккала тарафда бўлиш имкониятини тан олади: атрофдагилар учун ўлиш ва шу билан бирга уларнинг қайғуришларини, ўз жанозасига гувоҳ бўлишни ва уни хафа қилганларнинг афсусланишларини кузатишни истайди. Ўлим кўрқувининг йўқлиги бола психикасини ажратиб турувчи хусусиятдир. Болалар ва ўсмирларни намоёйшкорона ҳаракатларидан узоқлаштириш хато ҳисобланади. Ҳаётий тажриба ва тасаввурларнинг етарли эмаслиги натижасида биронта усулни танлай олмайди. Натижада режасизлик, ўз жонига қасд қилиш усуллари билмаслик юқори даражада ўлим хавфини туғдиради. Шунингдек, хавф ёш хусусиятларига қараб ҳам ортади. Лекин, ҳаёт қадри тушунчасини англамай туриб, ўсмирларда ўлим кўрқуви шаклланади.

“Метафизик интоксикация”, ўсмирнинг ўзига хос психологияси, жумладан ҳаёт ва ўлим мавзусида фикрлашида намоён бўлади. Умумий беқарорлик, танқиднинг етишмаслиги, ўзига нисбатан юқори баҳо бериш ва худбинлик ҳаёт қадрини англашнинг пасайиши учун шароит яратади. Бунда ўсмирнинг ҳиссиётлари салбий тус олади ҳамда можароли вазиятларда суицидал хулқ-атвор учун замин ҳозирлайди.

Ўз ҳаётига нуқта қўйиш мақсадини англаш мезонларидан ташқари, катталарда ўз жонига қасд қилиш ҳақиқатини аниқлаш учун суицид ва суицидент хулқ-атворининг ўзига хос хусусиятлари, услублари таҳлил қилинади.

Суициднинг хавfli можароли вазиятларини таҳлил қилиш орқали улар бола ёки ўсмир учун арзимас нарсалар, катталарнинг фикрича, келишмовчиликлар сабабли юз беради. Шунингдек, баҳолашда айрим максимализм: ўз қилмишларининг ҳақиқий оқибатларини кўра билмаслик ва бўлган ҳодисаларнинг оқибатини ташхис қилиш, ҳаётий тажрибанинг йўқлиги болаликнинг ўзига хос даври ва чорасизлик, можаронинг ҳал бўлмаслиги, афсусланиш ва ёлғизлик ҳиссини пайдо қилади. Буларнинг ҳаммаси, ҳаттоки, арзимас низоли вазиятлар бола учун, айниқса, ўсмир учун атрофидаги катталарнинг баъзида холис баҳоламасликлари суицид хавфини оширади. Буларнинг ҳаммаси пубертат ёшда суицидал хавфнинг ошишига сабаб бўлади.

Агарда катта ёшли суицидентлар орасида аҳамиятли даражада эркаклар (1/3) устун бўлса, ўсмирлар орасида бу кўрсаткич яъни қарама-қарши қизлар ўртасида, шу ёшдаги ўғил болаларга қараганда (3,9% қарши 1,6%), ўзини ўлдириш, деярли, 2,5 марта кўп. Бу ерда, аниқланишича, суицидал хулқ-атвор жинсга боғлиқ эмас, балки қизлар ривожланишда ушбу ёш диапазонидан олдиндалиги билан белгиланади.

Суицидал синдромга ёш босқичининг таъсири қуйидаги маълумотда яъни ўлимга интилишнинг кучли шаклига дучор бўлганлар 1,3 % 10–11 ёшли ўсмирлар, 1,9 % 12–13 ёшлилар, 2,7% 14–15 ёшлилар ва 4,5% 16–18 ёшлиларда кузатилади. Бу феномен бола модели билан атрофдаги ижтимоий дунёнинг муносабат умумлашмасида кўпроқ жавобгарлик хулқ-атвори ётади. Қизларга нисбатан ўғил болаларда аввалроқ катта бўлиб, бу жараёни ўзида чуқур ҳис қилади.

Ўсмир ёшда суицидал хулқ-атвори пайдо бўлишига оилавий муносабатлар омили сезиларли даражада таъсир қилади. Тадқиқотларга кўра, ота ва она 21 % “муаммоли” ўсмирларга идеал ҳисобланади, нормал гуруҳда ўғил ва қиз болалар бу кўрсаткичнинг 41% (ота учун) ва 5% (она учун) ни ташкил этади. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, оналар кўпгина ўсмирларнинг ишончини қозонишган (77% ҳамма сўралган ўғил ва қиз болалар). Ўсмирда суицидал синдром қанчалик кучли бўлса, онасига шунчалик кам ишонади, янаям камроқ отасига (23–29%). Ота-оналар билан ишончли муносабатларнинг йўқолиши – ўсмирларда суицидал синдромининг кучли омилларидан бири саналади. Ўсмир ота-онасига қанчалик кам ишонса, уни шунчалик кўп ўз жонига қасд қилиш ҳақидаги фикр қийнайди. Болаларнинг ота-онаси билан яхши муносабатлари суицид таҳликасини 1% гача камайтиради, аксинча, доимий жанжаллар бу таҳликани 18% га кўпайтиради. Болалар фақат ота-оналари билан низоларнигина

эмас, уларнинг ўзларига бефарқликларини ҳам оғир оладилар. 17% ёш инсонларда ёлғизликнинг ҳалокатга олиб бориши мумкинлиги, уларнинг айтишича, ўз ҳаётларининг оғир дақиқаларида ҳам ҳеч кимдан ёрдам сўрашни хоҳламасликларидир. Атрофидаги ўнлаб одамлар орасида биронтаси йўқки – туғишганлари, яқинлари, дўстлари ва ўқитувчилари – ҳеч ким, ёш инсонларнинг катта ташвишларини бўлишса, кўнглини бўшатса, ҳамдардлик ҳиссини ҳис қилса ёки фойдали маслаҳат бера олганда намоён бўлади. Ўсмирлик даври онтогенез босқичининг ўзига хос хусусияти, суицидал хулқ-атвор мотивацияси ва динамикасидан фарқланади. Бу ёшда яширин депрессия ҳам суицидга сабаб бўлиши мумкин. Аксарият тадқиқотчиларнинг фикрича, болалар ва ўсмирлардаги депрессия кўпинча, гиперактивлик, агрессия билан ниқоблангани сабабли ташхис қўйиш қийинлашади. Ўсмир ёши учун бошқалардан фарқли ўсмирлардан иборат суицид хавfli гуруҳлар мавжуд бўлиб, улар севги ва жинсий муносабатлар туйғулари идеаллаштирилган ахлоқи билан ажралиб туради.

Болаларда суицидал хулқ-атворнинг асосий сабаблари:

- 32% – хафалик;
- 30% – норозилик;
- 38% – ёлғизлик, уят, ўзидан қониқмаслик.

Ўсмирларда суицидал уриниш ва ўлим ўртасидаги нисбат – 50:1. Қизлар ва ўғил болалар суицидал уринишининг нисбати – 2,5:1. Намойишкорона уриниш орасидаги нисбат – 4,3:1. 19 ёшгача бўлган суицидентларнинг кўпроқ қисмини қиз болалар ташкил қилади. Суицидал уринишга қўл урган ўсмирларнинг ҳолати психик жиҳатдан шикастланган, суициддан кейинги психик ҳолат, шахсий характерга оид таъсирланишнинг ўзига хос хусусиятлари, суицидал уриниш ва соматик оқибатлар билан боғлиқ қўшимча ташвишлар, оилавий микроиқлим ва атроф-муҳит ҳолати билан белгиланади.

Объектив қонуниятларга кўра, тадқиқотчиларнинг олдида ўсмир суициди муаммосига оид, кўпинча, кимлар суицидга қўл уради, деган савол туради. Ўсмирлардан қайси бири “таҳлика гуруҳи”га киради? Хавфга ким дучор бўлади? Қайси типдаги одамлар “суицид хавfli” эканлиги маълум бўлса ҳам, маълумки, баъзи ўсмирлар арзимаган вазиятлар сабабли ўз жонига қасд қилиш таҳликасига дучор бўладилар.

Қуйидагиларда суицидал хавф юқори бўлади:

- депрессив ўсмирлар;
- спиртли ичимлик ва наркотикка ружу қўйган ўсмирлар;
- ё суицидга уринган ёки оила аъзоларидан кимдир суицидга қўл урганда гувоҳ бўлган ўсмирлар;
- истеъдодли ўсмирлар;
- мактабда ёмон ўзлаштирган ўсмирлар;

-ҳомиладор қизлар;

-тажовуз қурбони бўлган ўсмирлар.

Алоҳида-алоҳида олганда, ўз ҳолича, ўсмир дуч келган ҳар бир вазият ёки муаммолар, албатта, унинг суицидал хавфнинг юқори чегарасида бўлишини англатмайди. Бироқ, бундай муаммолар, сўзсиз унинг ҳаётини қийинлаштиради. Бундай вазиятларнинг биронтасига дуч келган ўсмир эмоционал, ақлий ва жисмоний томондан нохушликларга қарши туролмайди ва суицид унинг учун энг тўғри йўл, деб ҳисоблайди.

Бола ва ўсмирлик ёшида суицидал хулқ-атвор шаклланиши кўп ҳолларда суицидент шахсининг баъзи хусусиятларига боғлиқ. Бундай шахсларда эмоционал беқарорлик, юқори ҳиссиёт, сентизивлик, таъсирчанлик кузатилади. Бу сифатлар характерга урғу бериш даражасигача ифодаланган, ижтимоий-психологик дезадаптацияси нуқтаи назаридан шахснинг пубертат даврини ташкил этади.

Хулоса қилиб, ўсмирларга хос хусусиятларни ажратиб кўрсатамиз:

- 1.Ўсмирларда ўлим ҳақида аниқ тасаввур мавжуд эмас. Катта одам ўлим – бу ҳаётнинг тугаши, деб тушунади, ўсмир эса буни охиригача тушунмайди. Улар учун қайсидир даражада виртуал ўйин ҳисобланади.
2. Ўсмир учун энг муҳими 3 та муҳит: оила, мактаб, тенгдошлар.
3. Ўсмирнинг ўз жонига қасд қилиш сабаби аввалига арзимас, ҳатто тасодифий бўлиши мумкин.
- 4.Ўсмирда суицидал хулқ-атворнинг шаклланишига ўсмирларга хос субмаданият таъсир кўрсатиши мумкин.
- 5.Ўсмирда суицид фикри ва уриниш босқичи бўлмаслиги мумкин.
6. Ўсмир ўзида нималар бўлаётганини, бутун ҳолатини ёки муаммоларини тушунтириб бера олмайди.
7. Ўсмир учун, кўпинча, ўлимга нисбатан ўша воқеликда яшаш қўрқинчли.
8. Ўсмир суициди – бу кўп ҳолларда ёрдамга чақирув, ўзига эътибор қаратиш, ўз муаммоларини “катталарга хос” ечишга уриниш билан тавсифланади.

References:

- 1.Вильданова А.Р. Особенности самосознания, предпроределяющие аддитивное поведение. Автореферат канд.психол.наук. Национальном Университете Узбекистана им М.Улугбека. Ташкент 2005, 22-с.
- 2.Мащенко В.Ф. Психологические особенности морально – волевых качеств личности трудно воспитуемых подростков. Автореферат канд.психол.наук. (19.00.07). Киев.: 1986. 24с.

3.Туляганова Г.Қ. Интересе трудных подростков как отражение их мотивационно – потребностной сферы. Автореферат канд.психол.наук. Ташкентском Государственное педагогическом институте им Низами. Ташкент, 1993, 21-с.

